2003 YIL 16 DEKABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 150 (6.675). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

ИНСОНИЙЛИК НАМУНАСИ (1-2-саҳифаларда)

МАНГУЛИК ИЛДИЗИ (4-саҳифада)

ЯШИЛ БОЙЛИК ФИДОЙИЛАРИ (3- саҳифада)



## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● 12 декабр куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.

● Парижда Халқаро Кўргазмалар Бюроси Бош Ассамблеясининг 134- сессиясида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ХКБ Ижроия комиссиясига аъзо этиб сайланди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида «Шартнома интизоми - иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили» мавзуида амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадиий академияси «Маданият карвон саройи»нинг тантанали очилиш маросими бўлди.

● 1-Тошкент тиббиёт институтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Неврологлар ассоциацияси ҳамкорлигида соҳадаги долзарб муаммоларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида «Турон-Текстил» қўшма корхонаси лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

● Халқаро бизнес-марказда Япония ҳунармандчилиги тараққиётига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда «XXI аср Ўзбекистон қўғирчоқ театр санъати истиқболи» мавзуидаги биринчи республика семинар-кенгаши якунланди. У Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочиларининг республика танлови якунланди.

● Пойтахтдаги Тошкент-Шератон меҳмонхонасида “Экосан” халқаро жамғармаси, “Тошшаҳарйўловчитранс” давлат уюшмаси ва Тошкент автомобил йўллари институти ҳамкорлигида “Транспорт, экология ва саломатлик” мавзуида анжуман ўтказилди.

● Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Олмалиқ бўлими қўшни Пискент туманидаги «Намуна» хўжалигида ўз минибанкини очди.

● Чимбой туманидаги «Кенгес» овулида эллик ўринли янги шифо масканини фойдаланишга топширилди.

● Термиз шаҳрида “Бритиш Американ тобако Ўзбекистон” қўшма корхонасининг филиали очилди.

# ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМДАРДЛИК ИЗҲОР ЭТДИ



***Озарбойжон халқи оғир жудоликка учради. Мамлакатнинг собиқ Президенти Ҳайдар Алиев 81 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У АҚШнинг Огайо штати Кливленд шаҳридаги шифохонада вафот этди.***

Ҳ.Алиев Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоби, моҳир сиёсатчи эди.

15 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ушбу давлат халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Хотира китобига ҳамдардлик сўзларини ёзди.

Ҳ.Алиев 1923 йил 10 майда Нахичеванда туғилган эди. У 1969 йилнинг июлида Озарбойжонга раҳбар бўлди.

Озарбойжонда мустақиллик йилларидаги ислоҳотларни ҳам Ҳ.Алиев бошлаб берган эди. 1993 йилнинг 3 октябрида Президент этиб сайлангач, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга асос қўйилди, халқ тотувлиги мустаҳкамланди. 1998 йилнинг 11 октябрида у яна сайловда ғолиб чиқиб, президентлик фаолиятини давом эттирди.

15 декабр куни Бокуда Ҳ.Алиев билан видолашув маросими бўлди. «Республика» саройига ўн минглаб одам, қатор мамлакатлардан ҳукумат делегациялари келди.

Озарбойжонда Ҳ.Алиев вафоти муносабати билан етти кунлик мотам эълон қилинди.

Озарбойжон Миллий мажлиси (парламент) халққа мурожаат эълон қилиб, Ҳ.Алиев бошлаган ишни унинг ўғли - Президент Илҳом Алиев атрофида жипслашиб давом эттиришга даъват этди. Парламент вакиллари, Ҳ.Алиевга энг яхши ёднома у бошлаган ишни муносиб давом эттиришдан иборат, деб ҳисобламоқда.

**(ЎзА)**

***

**СУРАТДА: таъзия билдириш пайти.**
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР ЗАРУР

***Бугун дунёвий аҳамиятга молик глобал муаммолар етарли. Бундан ташқари, ҳар бир давлатда ҳам ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай. Деярли барча нуфузли анжуманлар, сиёсий тадбирлардан тортиб, Олий Мажлис сессияларида кўрилаётган масалалар муҳокамасида энг биринчи бўлиб инсон тақдири, қадр-қиммати юксак қўйилади, улуғланади.***

Бир сўз билан айтганда, сиёсатнинг замирида одамгарчилик бош ғоя қилиб олинса, бундай давлатда ўз-ўзидан демократик, ҳуқуқий тамойиллар шаклланиб боради.

Ижтимоий-муҳофаза турлари дейсизми, соғлом авлод тарбиясига тўхталасизми, келажак камолотига эътибор қаратиш борасими, ёшлар дунёқарашини қадим маънавиятимиз ўзаги – одоб-ахлоқ нури билан чароғон этиш масаласими, фарзандларимизни спорт ва санъат, иқтисодиёт ва маънавиятга ошно қилиш – дунё билимларини эгаллаб олишлари учун шарт-шароит яратиш дейсизми, бари-барида давлатнинг амалий чора-тадбирлари кўриниб туради. Сиёсатнинг ҳаётийлиги ҳам шунда. Халқ ичига кириб боришида. Одамларнинг орзу-умидлари ифодасининг давлат томонидан маълум бир тизимга солиниб, юқори даражага олиб чиқилиши ҳам сиёсат, аслида.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида ҳам Президентимиз депутатлар муҳокамасига қўйилган бир қанча муҳим ҳужжатлар каторида юртимиз ривожланишининг, ижтимоий-иқтисодий стратегик жиҳатига ҳам жиддий эътибор қаратди.

Хуш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий стратегик аҳамиятга молик масала, яъни, сессияда Президент бот-бот тўхталган жабҳа нима ўзи? Нега давлат раҳбари шу тармоқни юксалтиришга атайин урғу берди? Хўш, бу қайси тармоқ? Бу – қишлоқ хўжалиги. Қишлоқда шарт-шароитни яхшилаш.

Ҳаммамизни ер боқади. Ҳеч кимнинг оёғи ердан узилиб қолмаган. Ерни тепкилашга, менсимасликка эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, улкан, замонавий шаҳарларимиздаги ҳамма

**МУНОСАБАТ**

тўкин-сочинлик ҳам асосан қишлоқ тупроғига боғлиқ.

Сессия минбаридан туриб айтилган гап нафақат Юртбошимизнинг, балки ҳар кимнинг дилидаги, айниқса, чин деҳқоннинг юрагидаги гап эди. Аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи ҳозир қишлоқларда яшайди. Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, ҳаёт даражасини кўтариш, у ердаги камчилик ва муаммоларни ҳал қилиш муҳим масала эканлиги таъкидланди. Бунинг учун нима қилиш керак? Вазият шу даражада эътиборга моликми?

Албатта, шундай. Оғир табиий шароитлар, иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши... қишлоқ хўжалиги мададга муҳтож бўлиб турганлигини кўрсатади. Сессияда қишлоқ хўжалиги тизимини бозор иқтисодиёти талаблари даражасида кўтариш, янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, ерга эгалик ҳиссини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер хўжаликларига кенг йўл очиш зарурлиги таъкидланди. Агар шундай қилинмаса, эртага кеч бўлади, муаммолар кўпайиб, йириклашиб бориши мумкин. Яна бир гап: қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни, мунтазам шуғулланиш лозим..

Президентимиз гоҳида бу борада шунчаки бемалолчиликка берилаётганлигимизни ҳам айтиб ўтди: **“Очиқ эътироф этишимиз лозим – жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўядиган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам айни ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўкламги экин даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз...”** ва, бу иш, яъни қишлоқ хўжалигини назорат қилиш, қишлоқдаги масалалар билан шуғулланиш, соҳага эътибор қаратиш мавсумий тадбирларни эмас, балки кескин, қатъий, ҳаётий чора-тадбирлар кўришни талаб қилишини эслатиб ўтди. Бу гап ўз-ўзидан мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларни жиддий торттириши керак.

Деҳқон йил-ўн икки ой даладан айрилмайди. Жазирама, офтоб тиғи бошига санчилиб, елкасига эл юкини кўтариб ишлайди.

**(Давоми 2-бетда)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

# ФАРМОЙИШИ

## «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

**Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми эканини инобатга олган ҳолда, бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида:**

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

- давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг, хусусий корхона ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган, якка-ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ҳар бир инсон учун қанот ва таянч бўладиган оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар, авваламбор, ишсизлик масаласини ҳал этиш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан аниқ режаларни белгилаш;

- юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга баҳоliқудрат ҳисса қўшишга сафарбар этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш;

- одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш;

- меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқароларaro тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиладиган тадбирлар тизимини тайёрлаш;

- жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (М.Нурмуродов) ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (О.Обидов) амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари, республиканинг кам таъминланган фуқароларига қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағни излаб топиш ва унинг манбаларини белгилаш юклатилсин.

4. Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ва ташкилотлар, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармалар раҳбарларига юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Республика комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни 2004 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида амалдаги қонун талаблари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда «Фуқаролар йиғинлари тўғрисида»ги намунавий низомни тасдиқлаш топширилсин.

7. Ҳар бир вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида комиссиялар тузилсин ва улар 15 кун муддат ичида дастурга оид ўз таклиф ва тавсияларини Республика комиссиясига тақдим этсин.

8. Республика комиссияси «Меҳр ва мурувват йили»нинг комплекс дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь

# БАҒРИКЕНГЛИК

***Ўтган йили қишнинг охирлаб қолган кезлари маҳалламиздаги Янгибой исмли киши амнистия туфайли қамоқдан озод этилиб, уч йил деганда хонадонига келди. Оила аъзолари, айниқса, тўрт фарзандининг қувонганини кўрсангиз, дилингиз ёришарди.***

Тўғри, Янгибой ака узоқ сафардан келмаган, қисилиб-қимтиниб туриши, нигоҳини ердан узмай каловланишидан хижолат тортаётганини сезиш қийин эмасди...

Ҳозир эса бу кишининг мўъжазгина устахонаси бор, рўзғорини ҳалол меҳнати билан тебратяпти. Қамоқдан келган дамлари тўй-ҳашамлардан ўзини олиб қочар, кўча-кўйда ҳам кам кўринар эди. Бора-бора атрофдагиларга ёрдами тегиб, ўзининг нафақат оилада, балки маҳаллада, демакки, жамиятда кераклигини ҳис қилди чоғи, яна бир пайтлардагидек тиниб-тинчимас Янгибой акага айланди. Хато қилиб, қадди букилган бир инсон яна жамиятда ўз ўрнини тиклаб олди.

**ЭЗГУЛИК**

Бу инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат самараси эмасми?! Ваҳоланки, сизнинг ҳам маҳаллангиз, қишлоғингиз ёки шаҳрингизда Янгибой ака сингари инсонлар борлигига, сиз ҳам яқин-яқиндан бағрикенглик тафтини ҳис қилганингизга аминмиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан Юртбошимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинганлигидан хабарингиз бор. Зеро, бу хабарнинг “қанот ёзиб” кириб бормаган хонадони бўлмаса керак. Ахир мана шу амнистия туфайли озодликка чиқадиган, жамиятга қайтадиган ва буни кутаётган маҳкум кимнингдир таниши, дўсти, маҳалладоши, қариндоши ёки оила аъзоси бўлиши мумкин-ку...

Қонун олдида барча тенг жавоб беради. Бу аниқ. Лекин бизнинг ўзлигимизга хос қарашларимиз, менталитетимиз борки, қонунчилигимизда бу жиҳат четлаб ўтилмайди. У ҳам бўлса, суд - ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида жиноий жазоларнинг либераллаштирилишидир.

**(Давоми 2-бетда)**

**ТААССУФ**

# ТУЯЛАРНИНГ ЭГАСИ КИМ?

***Қадимий Буюк ипак йўли тўғрисида гап кетганда, арғамчидек тизилишиб, бир маромда оҳиста одимлаганча йўл танобини тортаётган туялар карвони кўз ўнгимизда гавдаланади.***

Ота-боболаримиз томонидан ҳақли равишда “саҳро кемаси” дея аталган туялар қадим-қадимда ҳам одамларга беминнат хизмат кўрсатган. Арзон парҳез гўшт, шифобахш сут, хосиятли жун берувчи бу беозор, ўта чидамли жониворларнинг ҳар бири билан 800-1200 килогача юк ташилган. Яна бир характерли жиҳати, бир бош туя 420 кунгача сут беради.

**(Давоми 2-бетда)**

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

**МУАММО**

# ДЕНГИЗ САҲНИДАГИ... САКСОВУЛЗОР

***Қорақалпоғистонлик ўрмон хўжалиги ходимлари Орол денгизининг қуриши оқибатида экологик нохуш вазият юз берган катта ҳудуддаги табиатни сақлаш, денгиз чекиниши оқибатида пайдо бўлган майдонларга иқлимбоп дарахт ва ўсимликлар экиб, қум кўчиши, заҳарли чанг-тўзонларнинг ҳавога кўтарилиши олдини олишдек муҳим ишларни давом эттириб келмоқдалар.***

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларидан эътиборан Амударё ва Сирдарё сувларининг Оролга келиб қуйилиши кескин камайди. Фурсат ўтиб, сув оқиб келиши бутунлай тўхтаб қолди. Натижада жуда катта ҳудуднинг об-ҳавосини мўътадил ҳолда сақлаб турувчи Орол денгизи қуриди. Бу ҳодиса инсоният кўз ўнгида юз берди. Юрак эзилади...

**(Давоми 3-бетда)**

# СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ИЖОДКОР

***Тошкентнинг қоқ марказидаги ёш паровозчилар ва болалар поезди машинистларини тайёрловчи тўгарак биноси олдидаги хиёбон одамлар билан гавжум. Бу ерга ота-онаси етовида келган болакайларнинг юзида бироз ҳадик бор. Уларни “мен танловдан ўта оламанми?” деган шу ўй безовта қилаётгани яққол сезилиб турарди. Ҳамма ёғочдан ясалган пастаккина эшикка умид билан нигоҳ қадайди. Бир пайт ичкаридан ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги ўсмир чиқиб келди. Хиёбон бир зумда сув қуйгандек жимиб қолди.***

-Укажонлар, - деди у негадир бироз иймаиброқ. – Орангизда радиода ишлашни хоҳловчилар борми? Яқинда “Радио уйи”да болалар учун тонгги дастур очилади. Мен ана шу дастурнинг режиссёриман. Бошловчиликни эплай оладиган болаларни қидириб юрибман...

**ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР**

Ҳозиргина тинчиган хиёбон яна ола-ғовур билан тўлди. Радиода бошловчилик қилишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Аммо биров юрак ютиб “мени олинг” деб айтолмасди. Шу пайт ўртага сочлари қўнғироқ, чақноқ кўзли бир бола чиқди.

-Мана, мен бошловчилик қиламан...

-Жуда яхши, қани бўлмаса ота-онангни чақир...

-Бу ергаям ўзим келгандим... Машинист бўлмоқчийдим...

-Исминг нима? – сўради ўсмир унинг қаршисига чўккалаб ўтираркан.

-Жавлон.

-Гап бундоқ, Жавлонжон, эртага соат ўнда Радио уйига боргин. Ўша ерда ифодали ўқишингни, овозингни, энг муҳими, микрофон олдида ўзингни қандай тута олишингни синаб кўрамиз, маъқулми?

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ЕР БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ? | СИДҚУ САФО СИРИ | ЎЗИНГИЗ БИЛАРКАНСИЗ - ЎЗИНГИЗ ИШЛАЙВЕРИНГ

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## МЕҲР-ОҚИБАТ СИНОВИ

***Атрофда қоронғулик қуюқлашиб, қишлоқни сукунат босган бир пайтда Маҳмуд ака фарзандлари қуршовида хотиржам телевизор кўриб ўтирарди.***

Айни шу пайтда том бошидан ўтган симларда қисқа туташув юз бериб, учқунлар сачрай бошлади ва атрофда сочилиб ётган хашакларга тушди...

Ёнғиндан дарҳол қўшнилар, сўнг маҳалла аҳли хабар топди. Улкан аждаҳодек вишиллаб бутун томнинг ёғоч тўсину шиферларини ўз домига тортаётган офатга қарши биргаликда кураш бошланди. Маҳалланинг ёшу қариси, эркагу аёли идиш кўтариб ариққа югурди. Бир зумда уч-тўртта бақувват ўсмир йигитлар нарвон қўйиб гуриллаб ёнаётган томнинг устига чиқиб боришди. Уларга пастда челакларда сув узата бошладилар. Аёллар уйнинг ичидаги жиҳозларни ташқарига олиб чиқишга киришиб кетди. Тепадан сепилаётган сув ичкарига лой-қум бўлиб оқиб тушаётганди.

Даҳшат солиб гуриллаётган оловнинг жазаваси пасайиб қолганига қарамай, мададга келганлар бир муддат бўлса-да, вазиятни бўшаштиргани йўқ. Ниҳоят оловнинг дами деярли сўнди.

Хонадон аҳлининг бахтига ёнғиндан иморатнинг фақат том қисми зарарланганди. Барибир бундай кўргуликдан Маҳмуд ака ғуссага чўкиб, мунғайиб қолди. Ич-ичидан бутунлай бошпанасиз қилиб қўйиши мумкин бўлган офатдан қутқариб қолган маҳалладошларига раҳмат айтарди-ю, аммо уй томини тиклаб олармиканман, дея хавотирга тушарди. Ахир анчадан буён ош-нондан орттириб, ҳатто уй таъмири учун битта бўёқ олганини эслолмайди-ку!

Қиш ҳам эшик қоқиб қолди. Ҳамон Маҳмуд аканинг уйи томсиз. Дарвоқе, эшитишимизча, яқинда маҳалла аҳли пул йиғиб Маҳмуд акага том учун устун ва шиферлар сотиб олиб беришмоқчи экан.

**Нигора ТЎХТАМАТОВА**

## ИНОНМАҒИЛ МОЛИНГГА...

***Шерқўзи оиланинг камхаржлигидан қийналиб ўсди. Шунданми, ё оддий меҳнаткаш ота-онаси таъсириданми, Бўзқишлоқда унинг одобига ҳамма ҳавас қилишарди. Институтга сиртдан ўқишга кириб, иш бошлаган пайтлари ҳам камтаргина йигитча эди. Аммо...***

Таниш раҳбарнинг корхонасига бош ҳисобчиликка ўтди-ю, ўзгарди-қолди. Аввало, қўлида ишловчиларни, бора-бора бошқаларни ҳам менсимайдиган одат чиқарди. Хизмат машинаси "ГАЗ-31", болаларига олиб берган "Нексия"ю "Дамас"ми қандай машина бўлмасин, бир ўзи юришидан ҳамма таажжубда. Туман марказига бормоқчи бўлган хотини ё неварасини ҳам ёнига ўтқазишини эп кўрмай, иккинчи машинани ҳайдатади.

Яқинлари тўй-маъракаларида қатнашишдан кўра ўн беш хонадан иборат "кошонаси" ва ундаги қат-қат тўшалган гиламларни, чет элда ясалган гарнитурларни томоша қилишни одат қилган. "Зал"да Комилжон ҳофиз қўшиқларини тингласа, меҳмонхонада Отажон Худойшукуровнинг, яна бирида эса Олмахон ё Ортиқ Отажонов концертлари ёзилган кассеталарни томоша қилади-ю, бирор фарзанди билан суҳбатлашганини, неварасини қўлига олиб суйганини ҳеч ким эшитган эмас.

Бир гал нимадандир ёнғин чиқиб, "кошона"дан тўрт девор, машиналардан бир уюм темир, уй жиҳозларидан бир ҳовуч кул қолди, холос. Яқинда Шерқўзи "шеф"ни туман марказида учратиб қолдим. Аввалги виқор билан юришлар қайда дейсиз, қўлини кўксига қўйганча "Москвич"да кира-кашлик қилиб юрган кишига ёлворади:

-Жон ука, сиқилиб ўтирармиз, бир амаллаб олиб кет, қўшнимникида маърака бор, вақтлироқ бормасам бўлмайди...

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

## НОРГУЛ МОМОНИНГ ИЗТИРОБИ

***Синф раҳбаримиз тарбиявий соатдан дарс ўтаяпти: кекса, қаровчиси йўқ кишиларга ёрдам бериш ёшларнинг вазифаси...***

-Унда, нега Норгул момога ҳеч ким қарашмаяпти, - синфбоши Холиданинг бу гапидан ҳамма сергак тортди. Ўқитувчимиз ҳам бироз ўйланиб қолди. Кейин:

-Бугун дарсдан сўнг биз Норгул момонинг рўзғор ишларига қарашиб келамиз, - деди.

Норгул момонинг ёши саксонга яқинлашиб қолган. Бечора ёлғиз яшайди. Ҳеч ким билан гаплашмайди ҳам. Ўқитувчимиз эшикни тақиллатар экан, "шовқин қилмасдан, кўнглига қараб муомала қилинглар", - деб бизга уқтирди. Эшик очилди. Ҳаммамиз бирдек Норгул момога салом бердик. Лекин Норгул момо алик ўрнига эшикни танбалаб олди. Ҳайрон бўлдик. Ўқитувчимиз мулзам.

Бувимнинг айтишича, Норгул момо кўнгилсиз бўлиб турмуш қурган экан. Фарзандли бўлгач ҳам кўнгли юмшамаган чоғи, боласига кўкрак бермай умрига зомин бўлибди. Шундан сўнг оиласи бузилибди. Лекин Норгул момо бошқа фарзанд кўрмабди. Шу-шу виждон азобида қийналаётган Норгул момо ёлғизликни ўзига ихтиёр этган. Ёш болаларни кўрса ич-ичидан эзилармиш.

**С.РАҲМОНОВ**

## ТИРИК ЖОННИНГ РИЗҚИ БОР

***Қишлоқда Нишонбой отани орқаваротдан "зиқна" дейишади. Қизиғи, отахон бировларга у-бу улашиш у ёқда турсин, ҳатто ўзининг жони роҳати учун ҳам хасислик қиларкан. Унинг хонадонига борсангиз, ўтқизгани эски бўйрадан бошқа ҳеч вақоси йўқ экан. Ёзин-қишин қора қозонда фақат бир овқат - сузмали хамир кесма қайнаркан.***

-Келини олтита соғин сигиримиз бор, дейди. Олтита сигирдан ҳар куни йигирма литрдан ошиқ сут соғиб олинса... Ҳатто ўша сутдан олинадиган қатиғу қаймоқларни ҳам сотиб, қуруқ ёғсиз сузмасини ейишади, - дея куйиниб сўзлаб қолади ён қўшниси Холида опа. – Бечора келин ўтган йили эри ўлгач, рўзғорни қўлига олган шу қайнотасининг қош-қовоғига қараб яшашдан бўлак чораси ҳам қолмаган. Тўрт боласи ҳам мактабга бировларнинг эски кийимларида боради. Бечора болаларнинг ранг-рўйига қараб ачинасан, юзида қони йўқ, нимжон, касалмандга ўхшашади. Ҳеч қачон бу болаларнинг яйраб-яшнаб юрганини кўрмаганман. Ишонасизми, ўша олти соғин сигиридан ташқари яна ўн бешта моли, йигирматача қўй-қўзиси бор, Ҳеч бўлмаганда икки-уч ойда шу молларидан бирини сотса... Қуриб қолишмаган-ку! Маза қилиб яшашларининг имкони бор, ахир... Тўғри, мол аччиғи – жон аччиғи... Сотишга отанинг кўзи қиймаса керак-да?! Аммо сотмаса ҳам, ота ҳар йили камида беш-олти молидан ажралади: ё ўғирлаб кетишади, ё ҳаром ўлиб қолади...

Холида опанинг ота ҳақидаги таърифидан на ҳайратланишни, на ачинишни билмайсан киши.

**Орзигул РУСТАМОВА**

# БАҒРИКЕНГЛИК

(Боши 1-бетда)

Бунда аёлларга, ёши улуғларга ва болаларга бўлакча эътибор қаратилиши диққатга сазовор.

Мана шу эътиборнинг намунасини яқинда эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Президентимиз Фармонида ҳам яққол кўрасиз. Хусусан, мазкур Фармоннинг 1-моддасида ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳукм қилинган – биринчи марта жиноят содир этиб, жазо ўтаётган аёллар, жиноят қилган дамда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркакларнинг жазодан озод қилиниши алоҳида қайд этилади. Шунингдек, ушбу моддада қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда бир йил муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан оғир касалликка чалинган деб топилган шахсларнинг, шу билан бирга жиноят содир қилган чет эл фуқароларининг ҳам озод этилишига тўхтаб ўтилади. Бу эса инсонпарварлик тамойили устунлигидан далолат беради.

Суд амалиётига назар ташласак, жиноятларнинг муайян қисми эҳтиётсизлик сабабли содир этилгани ва бу жиноятлар ўз таснифига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган турларга бўлинишининг гувоҳи бўламиз. Фармонда ҳам айнан эҳтиётсизлик туфайли ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар ва биринчи марта ҳукм қилинганлар, шу қатори илк бор озодликдан маҳрум қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахсларнинг ҳам озод қилиниши неча-неча инсонларнинг қалбларига қувонч олиб кирмади, дейсиз...

Ҳар қандай ота-она фарзандининг қилмишини, гуноҳини кечира олади. Чунки меҳр алам ёки дил оғриғидан устун келади.

Худди шундай она-Ватан тинчлиги, эл-юрт хавфсизлигига рахна солмоқчи бўлганларга билмай эргашиб, турли экстремистик ташкилотларга хизмат қилиб, ўзи англамаган ҳолда конституциявий тузумга қарши жиноят содир қилганлар орасида ёшларимизнинг бармоқ билан санагулик эмаслиги ҳамда уларнинг қонунда белгиланган тартибда жазо ўтаётганликлари маълум. Ота-онанинг фарзандига гуноҳларини оқлаши учун имкон берганидек, ана шундай конституциявий тузумга қарши ғоялар таъсирида қолиб, эндиликда виждони қийналаётганлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга қамоқ жазоси ўтаётганларга ҳам ушбу амнистия тўғрисидаги Фармон татбиқ этилиши таъкидланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, Фармонда жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми белгиланган тартибда қисқартирилиши ҳам қайд этилади.

Бир сўз билан айтганда, бағрикенглик, кечиримлилик намунаси бўлган мазкур Фармон амнистия тартибида жазодан озод қилинажак маҳкумларга яна эркин ҳаётда қонуний манфаатлар йўлида ҳалол яшашга имкон беради.

**Фарида МАҲКАМОВА**

# ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР ЗАРУР

(Боши 1-бетда)

Бевақт ёққан дўл деҳқоннинг ичига ёғади – кўнгли чироқ ёқса, ёришмайди. Ўйи-фикри далада бўлади. Ризқимиз, ҳаммамизнинг насибамиз, деб жон куйдираётганини деҳқон, содда деҳқон англаб-англамай, ўзини ўтга-чўққа уради. Худодан ҳосили мўл бўлишини сўрайди. Турганда дала, ётганда дала, тонгда кўз очиб кўрганда дала. Қор ёмғирли, аёзли кунлар, узун қиш тунларида ҳам уни шу ҳаётда тутиб турган куч она дала эканлигини ҳис қилади. Ўзи ҳам ердай камтар бўлади деҳқон. Озгина илиқ гап эвазига кўнгли тоғдай кўтарилади. Камсуқум, хокисор.

Катта минбарда, Олий Мажлис сессияси залида давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқ замирида асосан ана шу кишилар – қишлоқ одамлари турмуш даражасини кўтариш бош масала эканлигига эътибор қаратилди. Бу билан такрор бўлса-да, айтай, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш қишлоқ одамининг ташвишлари билан ҳамдард бўлиб яшаш нафақат шу соҳа, балки бутун тараққиётимиз ривожига ижобий таъсир қилиши мумкинлиги ҳаётий мисоллар билан ифодасини топди.

Очиғи, мен бошқа соҳада ишлайман, қишлоқ хўжалигининг менинг ишимга тааллуқли жойи йўқ, дейдиган айрим раҳбарлар ёки биз шаҳарликмиз, бизга қишлоқнинг дахли йўқ, дегувчи баъзи бир кимсалар мутлақо янглишади. Қишлоқ хўжалиги – республика тараққиётининг калити. Бу калит эса деҳқоннинг қўлида.

Биз юқорида келтирган масаланинг ечими раҳбарларимиз елкасига ҳам жиддий масъулият юклайди

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# АМАЛИЙ СЕМИНАР

***Юртимизда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Германия техникавий ҳамкорлик жамияти /GTZ/ ҳамда Германия тикланиш кредит банки /KfW/ билан ҳамкорликдаги янги лойиҳаси изчил амалга оширилмоқда.***

Ахборот-компьютер технологияси йўналишидаги коллежларга мўлжалланган ушбу лойиҳада юртимизнинг турли минтақаларидаги таълим даргоҳлари иштирок этмоқда. Лойиҳа доирасида таълим даргоҳларини замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, адабиётлар, қўлланмалар яратиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқитиш жараёнига янгича педагогик технологияларни жорий этиш белгиланган.

Пойтахтимиздаги Информатика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган икки кунлик ўқув-амалий семинарида ана шу ўқув стандартларини яратиш мезонлари, уларга қўйиладиган талаблар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

***Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда таниқли фан арбоблари, академиклар, олимлар, хорижлик меҳмонлар иштирок этишди.***

Маълумки, фан юртимизда кўпминг йиллик тарихга эгадир. Ўтмишда яшаб ўтган кўплаб буюк алломаларимизни ҳали-ҳануз бутун жаҳон эътироф этиб келади. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби аждодларимизнинг дунё фани ривожига қўшган ҳиссалари беқиёс.

1943 йили, иккинчи жаҳон уруши айни қизиган даврда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди. Ўтган 60 йил мобайнида Фанлар академияси катта ва шарафли йўлни босиб ўтди. У бутун дунё илм жамоатчилиги олдида катта ҳурмат ва эътибор қозонди. Бугун бу қутлуғ даргоҳнинг амалий ишлари ва ютуқлари, унинг жамоа олимлари томонидан олиб борилаётган изланишлар, республикамиз қишлоқ ва халқ хўжалиги ривожида ўзининг ижобий налимида, фанида, иқтисодида ва маданиятида фаолият олиб бораётган олимлар, кадрларни тайёрлашда ва шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.



АНЖУМАН



тижаларини бермоқда. Бундан ташқари, Фанлар академияси республикамизнинг халқ таълимида...

Фанлар академияси ўзининг 60 йиллигини янгиланиш, ривожланиш, миллий ва мустақиллик даврида нишонламоқда. Анжуман қатнашчилари ҳам масаланинг мана шу жиҳатига алоҳида урғу беришди.

Шу куни мазкур тадбир чоғида Абу Райҳон Беруний ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияларига сазовор бўлган Тошкент Давлат аграр университетининг тўрт нафар талабасини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар.**
О.ХУДОЙБЕРДИЕВ олган суратлар.

# «ФАЙЗ» МЕБЕЛИ ШУҲРАТИ

***Мамлакатимиз мебель саноати тараққиётида «Файз» холдинг компаниясининг ўзига хос ўрни бор.***

Ҳозир мазкур компанияда 100 номдаги замонавий конструкция ва дизайндаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу - компания таркибига кирувчи 29 корхона бир маромда фаолият кўрсатаётгани натижасидир.

Тайёрланаётган ошхона, ётоқхона, офис, мактаб, тиббиёт, болалар, спорт мебеллари, ортопедик тўшакли каравотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

**ЎзА.**

БОЖХОНА

# ПАҚИЛДОҚФУРУШЛАР

***Янги йил байрами арафасида сохта тадбиркорлар томонидан пиротехника воситаларини юртимизга ноқонуний олиб кириш ҳолатлари кўплаб учраб турибди.***

Улар бу матоҳларини пақилдоққа ишқибоз ёшларга пуллаб, мўмай даромад орттириш илинжида бўлишади. Аммо бундай ҳолатларга божхона ходимлари томонидан ўз вақтида чек қўйилмоқда. Масалан, жорий йилнинг декабр ойига қадар божхона ходимлари томонидан бу борада 32 та ҳолат аниқланиб, 300 минг донага яқин пиротехник воситаларни олиб киришга уринган шахсларга нисбатан 25 та маъмурий ишлар қўзғатилди.

Яқинда Сирдарё вилояти божхона ходимлари томонидан Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи Ш.Умбетова айланма йўллар орқали юртимиз ҳудудига минг қутига яқин пиротехника воситаларини олиб кираётган чоғида қўлга олинди. Сохта тадбиркорнинг сўзларига қараганда, у мазкур воситаларни Қозоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган "Сапарота" бозоридан сотиб олган экан. Наҳотки бу аёл ўзи олиб келаётган "ўйинчоқлар" неча-неча инсонларнинг асабини қақшатиши ва энг ачинарлиси, уларнинг соғлигига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган? Ахир мана шу ишга қўл ураётган яна кўплаб кимсалар пиротехника воситаларидан жабр чекаётган ҳамюртлари қаторида ўзларининг ҳам яқинлари борлигини мушоҳада қилишса бўларди-ку. Пул топишнинг шундай "осон" йўлини танлаб, ҳам пулидан, ҳам молидан айрилган сохта тадбиркорлар сўнгги пушаймоннинг ўзларига душман эканлигини олдиндан англаб етишса, айни муддао бўлар эди.

**Нурбек САЛОМОВ**

# ТУЯЛАРНИНГ ЭГАСИ КИМ?

(Боши 1-бетда)

Шубот (қимрон)и эса минг дардга даво. Туялар одатда бир ёки икки ўркачли бўлади. Икки ўркачли туяларнинг ўркачида 150 килограммгача ёғ тўпланган, нормал ривожланганларидан ўртача 8-12 килограмм атрофида жун олинади. Совуққа ўта чидамли, ғоят фойдали бу жониворлар азалдан Қорақалпоғистонда кўплаб боқиб келингани маълум. Чунки, бу ҳудуддаги чўл ва ярим чўл яйловларда табиий озуқа етарли. Бироқ...

-Очиғини айтганда, бугун туячиликнинг ривожига етарлича эътибор берилмаяпти, - дейди бир гуруҳ чорвадорлар. – Туялар бош сони, гўшт, сут, жун олиш ҳажми йилдан йилга камайиб кетмоқда.



"Қорақалпоққоракўл" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Бухан-Мерей" ширкат хўжалигидаги ҳақиқий ҳолат билан танишгач, юқоридаги фикрлар ҳаққоний эканлигига амин бўлдик. Қизилқумдаги "Чуқуркоқ" яйловларида боқилаётган бундай жониворлар 723 бош. Таажжубки, шунча туя бўлишига қарамасдан йил бўйи 3 бош бўта олинган. Чорва 14 нафар туякаш зиммасида. Аммо уларнинг манфаатдорлиги жуда паст. Муаммолари эса талайгина. Ширкат раҳбарлари иқтисодий қийинчилик баҳонасида чорвадор-у туяларни ўз ҳолига ташлаб қўйишган.

-Туячиликдан олаётган даромадимиз йўқ ҳисоби, - дейди ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Неъматулла Тўлаганов. – Бу йил бир тонна жун қирқиб олган эдик. Омборда ётибди, Келесдаги фабрикага топширишимиз керак. Аммо баҳоси арзон, килоси 100 сўмдан белгиланган. Бу сув текин ҳисоб, транспорт харажатини ҳам қопламайди.

Хўжаликда туялардан соғиб олинаётган сутнинг ҳисоб-китоби ҳам йўқ. Туя гўшти топшириш ҳам ечимини топмаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳисобчи билан бўлган суҳбатдан шу нарса равшан бўлдики, туячиликдан йил-ўн икки ой бир тийин ҳам фойда олинмаётир. Умуман, соҳанинг даромад келтириши хусусида атрофлича фикр юритаётган мутасаддининг ўзи йўқ.

Туячиликнинг шу кундаги аҳволи Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларида, айниқса, "Қорақалпоққоракўл" тизимидаги хўжаликларда қандай ҳолатда эканлиги билан қизиқиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг чорвачилик бўйича етакчи мутахассиси Сапарниёз Ҳакимовга учрашдик. 2000-2003 йилларда Қорақалпоғистондек қулай шароитга эга бўлган ўлкада туялар бош сони кўпаймагани тўғрисидаги маълумот бизни ғоятда ажаблантирди. Жумладан, 2000 йилда Беруний туманида 19, Қораўзак туманида 99, Тахтакўпир туманида 140, Элликқалъа туманида 770 бош туялар боқилган бўлса, шу йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра туялар миқдори Берунийда 1 бошга , Қораўзакда 2 бошга, Элликқалъада 47 бошга, Тахтакўпирда 12 бошга камайиб кетган. Фақат баъзи туманларда кўпайган, холос. Айни пайтда соғилаётган туялар 590 бош бўлиб, улардан олинаётган сут миқдори ҳеч қаерда қайд этилмаган. Шунингдек, бўта олиш, жун қирқими тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг ўзи йўқ.

Ҳақли савол туғилади, Қорақалпоғистон Республикасида боқилаётган салкам 2 минг бош туяларнинг ҳақиқий эгалари борми? Ва қачон туячилик даромадли соҳага айланиб, олинаётган маҳсулотлар ҳам давлатга, ҳам туякашга наф келтиради? Буни "Ўзбекқоракўли" компанияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидаги мутасаддилар билишармикин?

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ПАДАРКУШ

***Шу йилнинг 30 мартдан 31 мартга ўтар кечаси Олтиариқ туманидаги Олтиариқ шаҳарчаси, "Усмонобод" кўчасидаги 21-уйда даҳшатли қотиллик рўй берди. Ўғил ўз отасини ваҳшийларча ўлдирди. Бу мудҳиш воқеани эшитган одамлар қалби ларзага тушди.***

Падаркуш ўғил ва унинг ёвуз мақсади қандай эди?

Умид Бобоев - 1978 йилда туғилган. Ўрта маълумотли, оилали, икки нафар фарзанди бор. Ишламайди. Муқаддам судланган.

Жиноят қилишдан ҳайиқмайдиган Умид кўнглида оиласидагиларга нисбатан меҳр ўчиб бўлган эди. Азбаройи бадНафслиги туфайли оилага ҳеч қандай мурувват кўрсатмай, фақат талаб қилишга одатланган эди. Унга фақатгина дадаси Кенжабой ака қарши турарди, инсофга чақирарди. Ўғил эса калтафаҳмлик билан "дадамни ўлдирсам, ҳамма нарса, "Нексия" ҳам ўзимга қолади", деб ўйлаган эди. У отасидан машинани ўзига беришни талаб қилди. Ота уни инсофга чақирди.

Йўқ, Умид ота-онаси, укаларини ўйламади. Қаҳри баттар ошди. "Нексия"ни олиб минмагунимча қўймайман! Ё дадам, ё мен минаман!" деб ўзига ўзи қасам ичди. Дилида қасд ўти тинчлик бермасди. Шу йилнинг 5 январ куни "Бугун дадамни бир ёқлик қиламан", деган ёвуз ният билан "Жигули" рулига ўтирди. Тушдан кейин дадасининг туман "Деҳқон бозори" ичидаги чойхонада улфатлари билан ош еб ўтирганидан хабар топиб қолди. Олдинига ўша ердаёқ дадасини бир ёқлик қилишни ўйлади. Шартта кириб борди. Салом-алик ҳам йўқ, дадасига ўшқирди:

-"Нексия"ни берасизми, йўқми! Бермасангиз, ўзингизга ёмон бўлади!

Ўғлининг бундай бетамизлик қилишини кутмаган ота саросимага тушиб қолди:

-"Жигули"ни бердим-ку, - дея олди аранг.

-Берасан, бўлмаса ўлдираман! – деб ўғил ўз падарига ташланди...

Дили қаттиқ оғриган ота иккита ҳаммаҳалла улфати билан чойхонадан чиқиб келди. Ўғли "Жигули"ни ўт олдириб, газни босди. Дадаси кутилмаганда орқасидан келиб урилган машина зарбидан учиб кетди. Фалокатдан эсхонаси чиқиб кетган шериклари бир зум ичида қон аралаш тупроққа думаланиб ётган Кенжабой акани четроққа олишмоқчи бўлишди. Бу пайтда дадасини кўнглидагидек "бир ёқлик" қила олмаган, тирик қолганини кўрган баттол ўғил "Жигули"ни сал нарироқдан қайтариб, шитоб билан яна бостириб келаётган эди...

### ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Кенжабой ака ётган жойида карахт бўлиб қолган эди. Бахтига улфатлари уни бир амаллаб бостириб келаётган машина йўлидан четга олишди. Мудҳиш ниятига етолмаган ўғил машина газини пасайтирмади, чанг-тўзон ичида кўздан ғойиб бўлди. Шу кетганича 30 март оқшомига қадар қорасини кўрсатмади. Аниқроғи, қочиб, яшириниб юрди. Чунки фалокат содир этганидаёқ дадаси ёнида бўлган қўшнилари уни таниб қолишган эди. Улардан бири сал ўзига келган Кенжабой акага:

-Ўғлингиз Умид экан! – деганида... жароҳат оғриқларидан йиғламаган ота маломат оғриғидан алам-ла йиғлаб юборди...

-Шу куни кечқурун соат ўнлардан ўтганда дадамдан кечирим сўрагани келувдим, -деб ўзини оқламоқчи бўлди судда баттол ўғил. – Дадам мени кечирмай ҳайдаб юборди. Бирор соатлардан кейин яна ёнига кирдим. Менга ташланувди, кейин мен ҳам...

Ҳақиқий ҳолат эса бошқача эди: Умид шу шамолли тунда шифохонада соғлигини тиклаб қайтган дадаси билан сўнгги ҳисоб-китобини қилмоқчи эди. Кўнглида "Ё дадам яшайди, ё мен!" деган мудҳиш ўй – кек бор эди. Хонадаги жиҳозларнинг ағдар-тўнтар бўлиб кетганлиги ота ва ўғил ўртасида олишув бўлганидан далолат берарди. Барибир дадаси ўзини ҳимоя қилолмади. Ўғил эса, кўзлари қонга тўлиб, ваҳшийларча пичоқни санчаверди, санчаверди... У дадасининг 14 жойига пичоқ урган.

Гувоҳ Раънохон она кўргазмасидан:

- Турмуш ўртоғим Кенжабой босиқ, меҳнаткаш инсон эди. Умид ёшлигидан шўхроқ бўлган. Унга "Жигули" олиб бердик, босилармикан деган ўйда мактабни битириши биланоқ уйлаб қўйдик... Ўғлим 2000 йилда яширикча милтиқ сақлагани учун қамалди. Шу вақтда "Жигули"сини сотиб юборган эдик. У бундан хабар топиб, қамоқхонадан "Машинани мен боргунимча жойига қўйиб қўйсин" деб хат ёзган. Қамоқдан озод бўлганда дадаси билан уни олгани Олмалиққа бордик. Ўша ерда ҳам ота-бола машина орқасидан уришиб кетишди. Келганида дадаси "Жигули" олиб берди. Оралари яхши бўлиб кетувди. Бирга савдо-сотиқ ҳам қилишувди. "Нексия"ни ҳам Андижондан бирга бориб олиб келишувди. Уни ўғлим миниб юрувди. Қизларни миндириб юрганини эшитгач, машинани ундан олиб қўйди. Жанжал шундан чиқди...

Падаркуш ўғил бу сафар қочиб кетолмади. Яна суднинг қора курсисига ўтирди. Қилмишига яраша узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ука-сингиллари отасиз қон-қақшаб қолишди...

Фалакнинг гардишини қарангки, шу катта ўғил дунёга келганида ота-онаси катта умидлар билан Умиджон деб исм қўйишган эди. Умиджон умидларини ҳосил қилмади. Ота дуосини олиш, хизматини қилиш ўрнига... унинг бошига етди!

**Х.АСҚАРОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

ЭЪТИРОФ

# ИФТИХОР СОҲИБИ

***Академиклик – барча илму фан ходимлари учун ҳавас қиларлик, аммо ҳаммагаям насиб қилавермайдиган илмий унвон. Шу билан бир қаторда академиклар халқ ва ҳукумат эъзозидаги инсонлардир. Яҳё Ғуломов ҳам ана шундай олимлар сирасига мансуб инсонлардан бири эди.***

Домланинг шогирдлари, Урганч Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди Абдулла Сотлиқовнинг айтишича, "Яҳё ака учун тарихни холис ўрганиш, археолог сифатида қаерларга экспедиция уюштириш, топилган ашёлардан мантиқий хулоса чиқариш, илмий мубоҳасаларда ҳақлигингни исботлай олиш ҳаётининг асосий мазмунига айланган бўлса, шогирдлар етиштириш ва уларга етарлича шароит яратиб бериш ҳамда таклифу истакларини қўллаб-қувватлаш ҳам умрининг ажралмас қисмига айланганди".

Шу боисдан ҳам академик Яҳё Ғуломов нафақат тарихчилар учун, балки барча илму фан ходимлари учун ҳам улуғ устоз, мўътабар аллома даражасига етгандилар. Бу даражаларни босиб ўтиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Дастлаб 1926 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юртини, 1930 йилда Самарқанддаги педагогика академиясини битирган Яҳё Ғуломов бирмунча вақт Тошкентдаги педагогика техникумида ўқитувчилик қилади.

Кейинчалик эса Яҳё Ғуломов тарих, тил ва адабиёт институтига ишга кириб, севимли археология соҳасига умрини бағишлади. Унинг энг катта жасорати шахсга сиғиниш авж олган, фан ҳам бир қолипга солинган бир даврда ватанимизнинг энг қадимги даврларини ўрганишга киришди. Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон бўйлаб ўнлаб археологик экспедициялар ташкил этилиши натижасида, Ахсикент, Обираҳмат, Кўлбулоқ, Такалисой, Афросиёбда кўплаб ибтидоий манзилгоҳлар, кўплаб тарихий ашёлар, нодир топилмалар топиб ўрганилди.

1943 йилда "Хива ва унинг тарихий обидалари" мавзуидаги номзодлик, 1950 йилда "Хоразмнинг суғорилиш тарихи" мавзусидаги докторлик ишларидаги теран таҳлил, кенг мушоҳада Яҳё Ғуломовнинг нақадар катта иқтидор ва қомусий билим эгаси эканлигини кўрсатади.

Айниқса, Ўрта Осиё тарихчилари ичида биринчи бўлиб, ўлкамизда суғорма деҳқончиликнинг 3,5 минг йиллик тарихини ўрганиб чиққанликлари, Самарқанднинг ёшини аниқлаш домланинг тарихга, аждодлар ёдига бўлган меҳри улуғ бўлганлигини кўрсатиб турибди.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ хаёти" мухбири.**

# ҚОНИДА КУЙ ОҚҚАН ЮРТ

***Кўҳна Хоразм мусиқаси, дилтортар оҳанлари-ю, доира усулларининг жозибадорлиги, мақом турларининг ғоят кенг тарқалганлиги, суваро йўллари ва халқ достонлари, халфа қўшиқларидаги ўзига хослиги билан ажралиб туради.***

Биргина "Лазги" куйи ва унга ижро қилинадиган рақс неча юз йиллардан буён қанчадан-қанча халқларни, не-не дилларни ўзига ром қилмаган дейсиз. Қадимшунос олим С.П.Толстов узоқ йиллик археологик қазишмалари натижаларига асосланиб "Авесто" каби китоблар дунёга келган Хоразм барча даврларда етти иқлим маданиятининг энг илғор ғояларини ўзлаштирган ва тараққий қилдирган деган хулосага келганди.

Хива қадимий ва навқирон Хоразмда илм-фан, маданият ва санъат ўчоқларидан бири бўлиб келган. Шу боис ҳам воҳа мусиқа санъати ҳақида сўзлаб беришни Хива туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири, санъаткор Озод Зариповдан илтимос қилдик.

-Асрлар оша қалбларни ром этиб келаётган Хоразм мусиқа санъатининг ривожи бевосита Хива адабий муҳити билан боғлиқдир. Хоразмшоҳлар XVII асрда мамлакат пойтахтини Хивага кўчиргач, бу ерда ўзига хос адабий муҳит юзага келди. Маданият, санъат ривож топа бошлади. Бунда биринчи галда устоз-шогирдлик анъанаси катта роль ўйнаган. Натижада хонлик маркази бўлмиш Хивада ўзбек мумтоз ва халқ мусиқасини яхши ўзлаштирган, уни кейинги авлодларга етказишга катта ҳисса қўшган машҳур созанда, гўянда, бахши ва раққосалар етишиб чиқди. Хоразмда мусиқа илмининг ривожи ҳақида гапирилганда маърифатпарвар хон, шоир ва бастакор Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз ҳазратларининг фаолияти ва раҳнамолигига алоҳида тўхталмоқ жоиздир. Ёшлигидан адабиёт, тарих, мусиқадан чуқур билим олган Муҳаммад Раҳимхон форс тилини яхши билар, адабиёт, тил, мантиқ, мусиқа илмида саройда унга етадигани салоҳиятли киши кам эди. У ҳафтанинг икки куни саройда шоирлар мушоираси, ҳофизларнинг айтишув кечаларини ташкил қилар, ғолибларни рағбатлантирарди. Бу ишларнинг самараси нафақат Хоразм санъатида, балки бутун Ўрта Осиё маданиятида ўчмас из қолдирган. Комил Хоразмий, Матёқуб Ҳаррот, Муҳаммад Ёқуб позачи, Муҳаммад Ҳасан Мутриб, Абдулла маҳадик, Худойберган сунито, Отажон сўта Бобо буломон, Муҳаммадшариф Қамбар, Қаландар дўнмас, Собир калот, Ҳасан ва Ҳусан калот каби буюк санъаткорлар – созанда, гўяндалар етишиб чиққан. Улардан ўн олти нафарига хонликдан махсус маош белгиланиб, санъат билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиб берилган.

ФАХР

Комил Хоразмий раҳбарлигида иш олиб борувчи мазкур мақомчилар қошида рақс мактаби ҳам мавжуд бўлиб, унда еттидан ўн яшаргача бўлган ўғил болалар рақс сирларини ўрганганлар. Муҳаммад Раҳимхон Феруз санъат аҳлига қанчалик ғамхўр бўлса, шу қадар талабчанлик ҳам қилган. Мақомларни айтим ёки чертим йўлларини бузган машшоқлар аёвсиз жазоланган. Айтишларича, Тозабоғда бўлган айтишувда Муҳаммад Ёқуб позачи бошчилигидаги бир гуруҳ созандалар ижро пайтида олти ярим мақомнинг бир қисмини ташлаб кетганлигини сезган хон, Муҳаммад Ёқуб позачига эллик қамчи урдирган. Жазо тугагач, у яна созга ўтиради ва созандалар шундай соз чаладиларки, бундай соз ҳеч қачон бўлмаган дейишади.

Машҳур достончи Қурбонназар Абдуллаев – Бола бахшининг эслашича, Хивага ташриф буюрган Бухоро амири ва унинг мақомчилари олдида "Рост"ни ижро қилишаётганида Бобо булончи оғзи тупукка тўлиб кетганидан кўз илғамас чаққонлик билан ёнбошига туфлаб олади. Барчанинг диққат-эътибори булончида бўлса-да, оҳанг бузилганини фақат Ферузнинг ўзигина сезади. У Бобо буломонга меҳмонлар олдида илтифот кўрсатса-да, эртаси одам юбориб, уйининг томини очишни буюради.

Хоразм мақомларини ноталаштириш ҳам Феруз фаолияти билан боғлиқ. У давлат арбоби, шоир, мусиқашунос ва моҳир созанда Комил Хоразмийга бу вазифани топширади ва бу илмни мукаммал ўрганиши учун бир неча бор Тошкент, Москва, Петербург шаҳарларига юборади. Айрим манбаларга қараганда К.Хоразмий нота илмининг илк босқичларини Петербург сафаридан олдин, устози Ниёзхонхўжадан ўрганади. Қисқа қилиб айтганда, Феруз даврида Хоразм санъатини юқори босқичга кўтарилиши, фақат Ўрта Осиёгагина эмас, балки бутун Шарқ мамлакатлари, ҳатто Европага ҳам ёйилди.

Хоразмликларда бирор шахснинг иқтидори ҳақида гап кетса, "Унинг қонида бор, отасидан ё бобосидан ўтган" деган жумла ишлатилади. Агар тарихий манбаларга қулоқ тутсак, санъат хоразмликларнинг қонида борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Эрамиздан олдин яшаган Геродот асарларидан тортиб "Авесто"да, Ҳайдар Хоразмийнинг шеър ва ғазалларида, Алишер Навоийнинг "Сабъаи Сайёр", Муҳаммадниёз Нишотийнинг "Ҳусни дил" достонларида дутор ва доира усуллари, мақом номлари, ўша даврда Хоразмда мавжуд бўлган мусиқа асбоблари ва чолғулари ҳақида маълумотлар келтириладики, бу воҳа мусиқий санъатининг илдизлари минг йиллар олдинга бориб тақалиши ва ўша пайтлардаёқ машҳурлигини англатади.

Мустақиллик йиллари Хоразм санъати янада гуркираб ривожланди. Ўтган қисқа муддатда Америка, Корея, Япония, Германия, Англия, Ҳиндистон сингари давлатларда Хоразм санъати бир неча бор намойиш қилиниб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Санъатимиз, санъаткорларимиз ўз қадр-қимматини топмоқда. Истиқлол йилларида Абдулла Қурбонназаров Ўзбекистон халқ бахшиси, Фарҳод Давлатов Ўзбекистон халқ ҳофизи, Малоҳат Матжонова, Одамбой Раҳимов, Равшанбек Матёқубовлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрли унвонларига сазовор бўлишди.

Биз мақоламиз доирасида санъатсевар эл Хоразм мусиқаси ва шу соҳанинг кишилари ҳақида уммондан томчи мисол айрим маълумотларнигина келтирдик холос. Уларнинг таърифу таснифига сиғмас ижрочилик маҳоратларининг ҳар бири – ўзи бир китоб. Ўтган ҳофизлар санъати дилларга муҳрланиб, ҳозирда ижод қилаётганлари маҳорати барчамизнинг кўз ўнгимизда янги-янги поғоналарга кўтарилиб бормоқда.

**Суҳбатдош:**
**Холмурод ҚУРБОНОВ**




# КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

***Забардаст журналист Иброҳим Норматовни касбдошлари-ю дўстлари юраги пок, очиқ чеҳрали, самимий, меҳнаткаш ва ҳозиржавоб қаламкаш сифатида ҳурмат қилишади, қадрлашади. Ана шундай ажойиб инсоний хислат ва фазилатларга эга бўлгани учун унга ҳавас қиладилар.***

Иброҳим ака кўринишидан мулойим, босиқ, вазмин бўлса-да, муҳокама-ю мунозарада, масалаларни адолатли ҳал этишда қатъий, кескир, шартаки. Бунинг устига, ҳамма билан ҳам қўшилиб-қорилиб кетавермайди. Кўрсатилган чизиқдан қўлини кўксига қўйиб юравермайди.Феъли шунақа. Аммо, ижодкорга хос инжиқлиги-ю тажанглиги ҳам бор. Лекин гап бунда эмас. Гап унинг ижоди-ю, инсонийлигида. Элу юртга нафи тегишида. Ўзининг иши, юриш-туриши билан ўзгаларга ибрат бўлишида. Буларга эришишнинг ҳам ўзи бўлмайди, албатта. Тинимсиз ўқиш, ўрганиш, изланиш, ҳар бир сўзни, ҳар бир гапни ўрнига қўйиш учун соатлаб ўйлаш, фикр юритиш, ёзиб-ўчириб, тер тўкиш керак.

Иброҳим ака фельдшерлик халатини ечиб, қўлига қалам ушлар экан, буни чуқур ҳис этди. Мухбирлик оппоқ халат кийиб, соя-салқинда юрмоқ эмаслигини бошидан ўтказди. Журналистлик касбининг юки ниҳоятда оғирлигини юрак-юракдан тушунди. Тушуниб туриб, ижод йўлига кирди. Белини маҳкам боғлаб, Мирзачўлни пою-пиёда кезди. Гоҳ уста пахтакорлар, гоҳ деҳқон боболар, гоҳ чорвадорлару қурувчилар билан тунлар-у кунларни бирга ўтказди. Ана ўшанда ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини аниқ англади. Чўл одамларининг машаққатли меҳнатини, қувончи-ю орзу-ҳавасларини вилоят газетаси саҳифаларида маржондек териш, мана, бизнинг қандай улуғ халқимиз бор, дейиш ҳам осон кечмади. Ҳар бир хабар, ҳар бир мақола учун тошу-тарозу шай турган бўлса-да, Иброҳим ака қалби буюрганини ёзди. Инсоф, адолат ва ҳақиқатдан бир қадам ҳам узоқлашмади. Сирдарёликларнинг тантилиги-ю бағри кенглигини, сахийлиги-ю меҳр-оқибатлилигини бор бўй-басти ила таърифу тавсиф қилди. Бу эса унинг катта ҳаёт қозонида обдон қайнаб, етук журналист бўлишида беқиёс аҳамият касб этди.

ҲАМКАСБ ҲАҚИДА СЎЗ

Суяги газетачиликда қотган Иброҳим Норматов йигирма йиллик тажриба билан республика радиосида ҳам ана шундай жонкуярлик кўрсатиб ишлади. Энди ҳақиқий радиожурналист бўлдим деганда, уни телевидениега таклиф қилишди. Орадан тўрт йил ўтиб, Иброҳим ака "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлигига ишга келди. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин, қўлидан қаламни қўймади. Ёзишни канда қилмади. Айниқса, радиога яқин келгач, унга яна асаларидай боғланиб қолди. Кунора гоҳ ижтимоий-сиёсий, гоҳ маънавий-маърифий мавзуда йиққан "шира"ларини оппоқ қоғозга жо этиб, "Тошкентдан гапирамиз" дея бутун дунёга эшитиладиган ҳашаматли бинога қатнагани-қатнаган. Ҳаётимизнинг энг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари мамлакатимизнинг нуфузли газеталарида босилиб турибди. Мана шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматовнинг фаол ижодкор эканлигидан далолат, десак хато бўлмас. Ана шундай серғайрат журналистнинг олтмиш ёшга тўлганлигига ҳечам ишонгинг келмайди. Ўзи кичкина бўлса ҳам, ғайрат-шижоати оламни тутгудай бу ҳамкасбимизнинг мамлакатимиз равнақи-ю, халқимиз фаровонлиги йўлида яна узоқ йиллар ишлашини Яратгандан тилаб қоламиз.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

(Боши 1-бетда).

Эртаси куни малакали мутахассислар синовидан яхши ўтган ёш Жавлон кўп ўтмай болаларга мўлжалланган (ҳозирги "Келажак тонги") радио эшиттиришда бошловчилик қила бошлади. У билан бирга илк бор эфирга чиққан икки қизалоқнинг бири бугунги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейига раҳбарлик қилаётган Насиба Иброҳимова бўлса, иккинчиси тиббиёт фанлари доктори Дилфуза Ғуломова эди.

# СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ИЖОДКОР

Таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жавлон Тошхўжаевнинг санъат остонасига қадам қўйиши ана шундай кечганди. У кейинчалик ҳам ўзини радиога бошлаб борган биринчи устози, қисқа умри давомида залворли асарлар яратиб қолдирган режиссёр Дамир Шокировнинг этагидан маҳкам тутди. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва янгиликни тез ўзлаштира олиши туфайли у тез орада бошқаларнинг ҳам эътиборини қозонди. Кўп ўтмай, аниқроғи, 1956 йилда уни "Ўзбекфильм" киностудиясига, "Чол ибн Ҳаттоб", "Трубачев отряди жанг қилади", "Ўгай она" сингари бир қатор фильмлардаги болалар образини ўзбекчага дубляж қилиш учун таклиф этишди. Орадан икки йил ўтгач эса Жавлон Тошхўжаев Тошкент телевидениесининг айрим кўрсатувларида ҳам диктор сифатида иштирок эта бошлади, шу билан бирга телеспектаклларда болалар ролларини ҳам ижро этарди.

Жавлон Тошхўжаев ҳали ўн тўққиз ёшда эканлигидаёқ унга Тошкент радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар бўлими режиссёрлиги ишониб топширилди. Шу йиллар орасида у тинимсиз меҳнат қилди, изланди ва бугунги кунда ҳам Ўзбекистон радиосида ўзига хос ўринга эга бўлган "Табассум", "Дугоналар", "Гулшан" каби радиожурналларнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Санъаткор театр режиссёри сифатида иш бошлагунга қадар радиотўлқинлар орқали унинг 200 дан ортиқ радиоинсценировкалари тингловчилар эътиборини тортган, уларнинг 150 дан ортиғи эса "олтин фонд"дан жой олиб улгурганди ҳам.

У театр режиссурасидаги илк дебютини Қўқон театрида ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг "Суд" пьесасини саҳналаштиришдан бошлаганди. Кейинчалик Жиззах, Самарқанд ҳамда Андижон театрларида яна кўплаб асарларни саҳнада жонлантирди. Булар орасида Ёнғин Мирзонинг "Занжирбанд она", Диас Валиевнинг "Суд олдидан", Ўлмас Умарбековнинг "Комиссия", Ўткир Рашиднинг "Зиёкор", Душан Файзийнинг "Ўн етти ёшлилар", Мустай Каримнинг "Ой гул диёри", Собир Абдулла ва Тўхтасин Жалиловнинг "Тоҳир ва Зуҳро", Ҳошимжон Раззоқ қаламига мансуб "Нодира" каби пьесаларни кўришимиз мумкин.

Жавлон Тошхўжаев 1978 йилдан буён Андижон вилоятида яшаб, ижод қилмоқда. Унинг мазкур вилоят санъатини кўтариш ва ривожлантиришга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Вилоят санъаткорлари унинг режиссёрлиги остида тайёрланган дастурлар билан Болгария, Руминия, Испания, Чехия, Афғонистон ва Ҳиндистон каби мамлакатларда ўзбек театр ва мусиқа санъатини намойиш қилиб қайтганлар. Шунингдек, санъаткор қарийб ўн йилдан буён мамлакатимиз Мустақиллигининг тантанали театрлаштирилган маросимлари, "Наврўз" умумхалқ байрамининг театрлаштирилган дастурларини сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи бош режиссёри сифатида вилоят аҳлининг эътиборига ҳавола қилиб келаётир.

Жавлон ака нафақат истеъдодли санъаткор, балки маҳоратли драматург ҳамдир. Истиқлолимизнинг икки йиллигига атаб яратилган "Ўзбеклар иши" деган сохта айбловларнинг асл моҳиятини очиб беришга қаратилган "Истиқлол арафасидаги қабоҳат" трагедияси томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бундан илҳомланган ижодкор кўп ўтмай "Хазон бўлган умр", "Тиригида ас ранг инсонни" каби драмалар ҳам яратди. Унинг қаламига мансуб бир қатор пьесалар "Ўзбекистон" телеканалининг "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" кўрсатуви орқали ҳам кўп бор намойиш қилинган.

Ижодкор айни кунларда ўзининг табаррук олтмиш ёшини қарши олмоқда. Бироқ ҳали унинг мақсадлари бисёр, ниятлари улуғвор. Жавлон Тошхўжаев шу халқ учун тинимсиз ишлашни ўзининг виждон амри деб билади.

**Ҳ.ХЎЖАЕВ**

# РУЛСИЗ, ТЕПКИСИЗ АВТОМОБИЛ

***Рулсиз бошқариладиган автомобилни ҳеч учратганмисиз? Тепкиси йўғини-чи? Яқин келажакда жаҳон автомобил бозорларида мана шу турдаги автомобиллар пайдо бўлса, асло ажабланманг. Бу инсон ақл-заковатининг яна бир қирраси, холос.***

General Motors компанияси автомобилсозликда дунё миқёсида етакчи ўринларда туради. Мазкур компания биз юқорида тилга олиб ўтган ҳам рулсиз, ҳам тепкисиз янги типдаги автомобилларни ишлаб чиқаришни режалаштиряпти. Бу турдаги машиналарни бошқариш аввалгиларига қараганда осон бўлса осонки, асло қийин эмас. Бунинг учун автомобил салонига монитор ўрнатилган. Бошқариш махсус пульт ёрдамида амалга оширилади. Пультда бошқарув учун лозим бўлган барча имкониятлар етарли. Компания автомобилга "HY-WIRE" деб ном қўйди. "HY-WIRE" ўтган йили Францияда бўлиб ўтган "Париж Автомобил кўргазмаси"да намойиш этилди. Унинг рули, тепкиси ҳам йўқ... Ёнилғи масаласига келсак, у бензин билан эмас, балки водород билан ҳаракатланади. Оғирлиги 2 тонна.

Автомобилсозлар "HY-WIRE"нинг дизайн масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Унинг ташқи кўриниши ҳар қандай харидорни ўзига тортиши аниқ. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.



АЖАБО!

"HY-WIRE"ни келажак автомобили, дейиш мумкин. Компаниянинг мазкур автомобилни яратишидан яна бир асосий мақсади, ер юзида қачонлардир бензин ёқилғиси танқислиги сезилса, водород билан ҳаракатланувчи автомобилларни оммалаштиришдир...

**О.ШАВКАТ тайёрлади.**

## Рассом хандаси



Изоҳнинг ҳожати йўқ



Раис: тракторни бера олмаймиз, ўзимиз ижарага олганмиз.

А.ХАКИМОВ чизган суратлар.

# SPORT OLAMIDA

## АВТОПОЙГА

***Республика мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ташаббуси билан Жиззахда автопойга мусобақаси уюштирилди.***

Асосан, республика спорт маркази аъзолари иштирок этган тадбирда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган 64 нафар иқтидорли спортчилар "Баги", "Лада", "ЗИЛ", "Жигули" маркали автомобилларда омадларини синаб кўришди. Иккинчи босқичда Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятлари жамоалари маррага кетма-кет етиб келишган бўлса, клублар ўртасидаги баҳсларда Жиззах вилояти автопойгачиларига тенг келадиган рақиб топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Бухоро вилояти ҳамда пойтахт шаҳри автопойгачилари забт этишди.

## МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтдаги МҲСК спорт мажмуасида самбочилар Ўзбекистон кубоги баҳслари билан жорий йилги спорт мавсумига якун ясашди.***

Нуфузли турнирда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 150 нафар самбо устаси иштирок этишди. Юртимиз самбо спортининг юлдузлари Акрам Эшов, Шавкат Жўраев, Элдор Ғуломов, Акобир Қурбоновларнинг қатнашганлиги турнир нуфузини оширди ва беллашувларнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Шуниси қувончлики, ўз вазнларида ғолибликни қўлга киритган спортчиларга келгуси йилги халқаро турнирларда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

**Имомали УЛФАТОВ**

## "БОКА ХУНИОРС" "ТОЙОТА" КУБОГИ СОҲИБИ

***Йокогомада бўлиб ўтган навбатдаги минтақалараро кубок баҳсида бу сафар лотин америкалик футболчиларнинг қўли баланд келди.***

Европа клубларининг азалий рақиби ҳисобланган Аргентинанинг "Бока Хуниорс" жамоаси Италиянинг "Милан"идан устун келди. Асосий вақтда 1:1 натижа қайд этган жамоалар ўз омадларини 11 метрлик масофадан синаб кўришига тўғри келди. Жанубий америкаликлар имкониятни бой беришмади 3:1 ҳисобида устун келиб, кубок эгасига айланишди. "Бока Хуниорс" минтақалараро кубокни учинчи маротаба қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, бунгача улар 1977, 2000 йилларда ҳам европаликларни доғда қолдиришганди.



## МАТТЕУС ВЕНГРИЯДА

***Германиялик машҳур футболчи, шу пайтгача Белграднинг "Партизан" клубини бошқариб келган Лотар Маттеус Венгрия термаси бош мураббийи этиб тайинланди.***

Афсонавий ҳимоячи Венгрия футбол ассоциацияси билан 2 йиллик шартнома имзолади. Бу Маттеусни 2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилиги йўлида терма жамоани гуруҳдаги рақиблари Швеция, Болгария, Хорватия, Мальта ва Исландия термалари билан кечадиган синовларга жиддий тайёрлашини англатади.

"Мен бу масъулиятни зиммамга олдимми, демак, Венгрия жамоаси энди умуман бошқача ўйин кўрсатиб, юксак натижаларга эришиши керак, бу борада бор кучимни сарфлайман", деди Маттеус.

## "РЕАЛ" – ПЕШҚАДАМ

***Испания премьероси 16-турининг марказий баҳси пойтахтнинг "Сантьяго Бернабеу" ўйингоҳида "Реал" ва "Депортиво" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.***



Бу учрашувда ўз уйида тўп суришга қарамай "қироллик клуби" қийинчилик билан ғалабага эришди. Ўйин 2:1 ҳисобида якунланиб, Роналдо ва Раулнинг голларига Ла- каруньяликларнинг уругвайлик ҳужумчиси Вальтер Пандиани бир тўп билан жавоб бера олди. Ушбу ғалабадан сўнг "Реал" яна турнир жадвалининг пешқадамига айланди.

**Интернет хабарлари асосида Ф.АБИЛОВ тайёрлади**


ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи юридик шахсларга тариф ставкалари бўйича барча турдаги валюта операцияларини таклиф этади:

- Экспорт-импорт ва бартер шартномаларини рўйхатга олиш;
- Аккредитивга доир барча операциялар;
- Корпоратив мижозларнинг сўм маблағларини конвертация қилиш;
- Мижозларнинг валюта маблағларини хорижий банкларга ўтказиб бериш ва бошқалар.

Шунингдек, Сиз ташқи иқтисодий фаолиятга доир саволларингизга исталган вақтда маълумот олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: (3712) 78-84-38

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "MIRSAID KULOL" хусусий фирмаси (ОКОНХ-71100) тугатилмоқда. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 51-04-05


"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Суннат Сайдалиевга волидаи муҳтарамаси **Мунаввар ая**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-64-461; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com